Доктор Оуэн Чёрчез, учёный из школы психологии Университета Флиндерса в Аделаиде, исследуя влияние смайлов на их восприятие, пришел к выводу, что они активируют у человека, смотрящего на эти смайлы, те же участки мозга, которые были бы задействованы при реальном общении. Таким

образом, он обозначает смайлики, как новую форму языка, для декодирования которого у человека создается новый образец мозговой активности¹⁰.

Проблемой использования СНКК становится огромное количество несистематизированных невербальных единиц, появившихся в последнее время в интернете и приводящих к тому, что человек физически не может оценить тот или иной вновь появившийся символ, поскольку он его ранее не видел. Вследствие этого, он довольствуется ограниченным количеством эмодзи.

С целью изучения степени однозначности интерпретации эмодзи реципиентами в ходе обмена сообщениями, был проведен эксперимент. Итоги эксперимента рассматривались в нескольких проекциях, для выявления факторов, влияющих на его результаты. В числе этих факторов учитывалась совместная деятельность группы людей, время их совместной деятельности, возрастная категория.

Результаты проведенного исследования показали следующую декодировку значений эмодзи по стандарту Юникод и значений, представленных студентами (общее количество участников 100 человек):

4 курса – **средний процент несовпадений – 64%;**

3 курса – **средний процент несовпадений – 67%;**

2 курса – **средний процент несовпадений – 71%;**

магистрантами и преподавателями кафедры – **средний процент несовпадений – 60%**

Первым этапом анализа полученных результатов стал статистический подсчет разброса интерпретаций по каждому из представленных эмодзи. Наблюдения показали, что полностью одинаковой декодировки не было представлено ни по одному эмодзи.

Следующим этапом исследования был анализ полученных результатов на соответствие их декодировке, утвержденной консорциумом Юникод в качестве международного стандарта.

Анализ показал, что в процентном соотношении соответствуют международным стандартам 35% процентов, полученных в ходе эксперимента результатов. При этом надо учитывать, что соответствие стандартам определялось не по номинативному значению слова, а по эмоциям, выраженным этим эмодзи.

Путем сопоставления предложенных декодировок со значениями, принятыми консорциумом Юникод, была выведена общая средняя составляющая их несоответствий. Данная цифра составила 65%. Далее был проведен подсчет несоответствий в разрезе групп и проанализирована соотнесенность их с со средней составляющей результатов анкетирования. Выяснилось, что в группах старших курсов разброс несоответствий эмодзи был меньше чем у младших курсов (64% и 70% соответственно). В группе магистрантов и преподавателей кафедры несоответствие по итогам

¹⁰ Owen Churches, Mike Nicholls, Myra Thiessen, Mark Kohler & Hannah Keage. Emoticons in mind: An event-related potential study // Journal Social Neuroscience. – Volume 9. – Issue 2. – Pp. 196–202.

эксперимента эта цифра составила 60%. Отличительной особенностью ответов этой группы была их краткость. В подавляющих случаях значение эмодзи выражалось одним словом, что свидетельствовало об уверенности анкетированных в именно таком его значении.

Эксперимент выявил уменьшение разночтений эмодзи у студентов старших курсов. Этот факт мы объясняем тем, что в процессе тесного общения между собой в интернет-группах на протяжении нескольких лет, студенты старших курсов составили какие-то общие представления о значении наиболее употребляемых ими эмодзи.

Потребность в общепонятных символах, проявляется и в сообществах социальных сетей, имеющих давние и тесные контакты. Это временами приводит к составлению своих, только им понятных толкований, наиболее часто используемых в переписке эмодзи

В качестве примера можно привести словарь эмодзи, дающий их истолкование по принятым только в этой группе значениям.

Вот одно из тех значений, что приняты в этом сообществе.

 – "прикинь!", "ничё, сочтёмся!", "ну ты поняла мой намёк?", "неправда ли?"

Выражения, используемые здесь, служат для передачи углубленных эмоций, принятых именно в этой группе, вследствие чего и применяется сленговый их вариант.

С другой стороны, эти примеры обозначают еще один интересный фактор. На наш взгляд, в области эмодзи происходит их стилистическое разделение, аналогичное стилистическому делению слов. Имеется в виду, что эмодзи, применяемые в официальных мессенджерах, уже становятся обычным, соответствующим общепринятым нормам, средством передачи стандартных, усредненных эмоций, т.е. в определенной степени аналогичным стилистически нейтральным словам.

По результатам проведенного эксперимента были сделаны следующие выводы:

при использовании эмодзи участниками эксперимента наблюдается большой процент их различной интерпретации, что подтверждает указанную в работе необходимость введения в образовательный процесс обучения правил однозначного их понимания;

процент разночтений уменьшается в группах, объединенных общей деятельностью и продолжительностью нахождения в этих группах. Этот результат показывает появление однозначной декодировки СНКК в таких сообществах, соответствующее пониманию диалектизмов в устной и письменной речи;

эмоциональность графического представления эмодзи часто не устраивает переписывающихся в группах, и они предлагают для описания слова, имеющие значительно более углубленную коннотативную составляющую. Данное явление, на наш взгляд, является практическим свидетельством появления стилистического разнообразия при использовании

СНКК по аналогии с литературным, разговорным и др. стилями традиционной письменной речи;

объединение участников в группах и уменьшение, вследствие этого, процента разночтений эмодзи, не улучшает правильность их декодировки в плане соответствия международным стандартам. Этим результатом показано, что однозначное понимание СНКК группой людей не означает соответствие их принятым международным правилам интерпретации;

наблюдается определенное влияние гендерного фактора в вопросах декодировки эмодзи, которые в принятом стандартном описании предполагают двоякое их трактование. Данный факт объясняется различием именно в проекции гендерного восприятия тех или иных СНКК, как отражения внешнего невербального воздействия;

участники эксперимента в подавляющем большинстве не информированы о существовании международных стандартов декодировки эмодзи и поэтому применяют их по мере своего личного восприятия. Сложившееся положение дел доказывает необходимость информирования студентов о существовании международных стандартов и соблюдения их в процессе обмена сообщениями;

небольшое количество, информированных о существовании международных стандартов эмодзи, тем не менее, никогда не интересовались их конкретным содержанием. Этот результат эксперимента определяет значимость обучения международным стандартам интерпретации СНКК на всех этапах образовательного лингвистического процесса.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

1. В современной информационно-коммуникационной сфере наблюдаются значительные изменения, связанные с использованием новых технологических средств, с помощью которых достигается возможность одномоментного полноценного процесса коммуникации при обмене сообщениями, что ранее было невозможно по техническим причинам, а именно из-за отсутствия интернета.

2. Основой для создания новых СНКК, позволивших максимально приблизить устную и письменную речь, стало использование электронных возможностей. Использование нового средства в письменной коммуникации получило ряд преимуществ перед устной, в части более точной передачи коннотативной стороны сообщения.

3. Сближение двух видов коммуникации стало следствием возможности включения эмоциональной составляющей в письменность посредством СНКК, не появлявшихся раньше из-за отсутствия технического решения их включения в письменную речь. СНКК стали выполнять функцию, аналогичную использованию графических знаков, отражающих в письменности звуковые фонемы.

4. Специфика применения коммуникативных средств, обозначенных нами как СНКК, заключается в применении только в современных

технических условиях коммуникации. Соответственно, разработка их употребления идет с учетом возможностей современных гаджетов и компьютеров, требующих максимального упрощения доступа к СНКК и применения их методом одного клика.

5. Применение СНКК в интернет-коммуникации – новая форма передачи письменного сообщения, максимально приближенная к устной речи такими их функциональными особенностями как бимодальность и металинеарность. Специфика репрезентации действительности в результате коммуникации в социальных сетях дает основание говорить о сетевом дискурсе, особенностью которого является генерирование самых различных стилей речи в передаваемых сообщениях.

6. Новая форма письменной коммуникации может иметь и ряд преимуществ перед устной. Это возможность контроля коннотативной составляющей сообщения, передаваемого спонтанно при устной речи и приведение его в соответствие с необходимым эмоциональным посылом.

7. Практическое применение нового средства коммуникации опережает теоретическую часть, что, впрочем, характерно для процесса становления новых видов речевых коммуникаций. Систематизация наиболее характерных особенностей этого процесса, отбор и закрепление полученных в ходе практического использования знаний в этой области, требует создания полноценной теоретической базы. Потребность такой базы обусловило появление нового направления в лингвистике – интернет-лингвистики.

8. В грамматике происходят изменения написания слов, как правило, в сторону их сокращения или замены на сленговые выражения, что часто приводит к появлению новых слов, употребляемых только в сфере электронной коммуникации. Прослеживается тенденция к максимально возможному упрощению предложений, используемых в сообщениях, практически в передаваемой информации отсутствуют сложносочиненные предложения.

9. На фоне массового применения в интернете СНКК значительно отстающим выглядит отсутствие их изучения в языковых дисциплинах средних школ и вузов по учебным программам. Помимо отсутствия изучения значений СНКК, не выработаны общие письменные правила, по которым их можно включать в синтаксические конструкции. На современном этапе развития технических средств общения и перехода общества из индустриального в информационное необходимо определенное смещение изучения языка в сторону коммуникативности.

10. Изучение СНКК как одного из слоев многослойной передачи информации в интернете, признанной некоторыми учеными третьим видом языка наряду с письменным и устным, на наш взгляд, имеет большие перспективы. В настоящее время в языкознании появилось направление, названное интернет-лингвистикой, и оно исследует с различных позиций специфику языка, которым возможно пользоваться только в технологических условиях.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06. 2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЕНБАЕВ ЕРКИН ТОЙЛИБАЕВИЧ

**НОВЕРБАЛ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИДАГИ ЭВОЛЮЦИОН
ЎЗГАРИШЛАР (ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РУС ТИЛИДАГИ
ВЕРСИЯЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.11– Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1399 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.namdu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулмаматов Дусмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор

Официальные оппоненты:

Акбарова Зухра Акмалжоновна
филология фанлари доктори, доцент

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Диссертация химояси Наманган давлат университети хузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD .03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган ш. Бобуршоҳ кўчаси 161. Тел.: (998-69) 228-85-01, Faks: 228-85-02. Web-sayt: www.namdu.uz, e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел: (99869) 227-07-61.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси

Н.М.Улуқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

И.Ў. Дарвишов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ҳ.А.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида новербал коммуникациядаги эволюцион ўзгаришларни ўрганиш интернет ижтимоий тармоқларининг пайдо бўлишидан бошлаб, унда юзага келган ва давом этаётган жараёнларни ўрганиш ҳамда амалиётга жорийлантириш долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Ушбу муаммони жаҳон миқёсида ўрганиш айти пайтдаги ижтимоий соҳадаги коммуникациянинг тобора глобал характерга эга бўлиб бораётганлиги, интернет-коммуникация тармоқларининг умумжамят саноатлаштирилган технологиялардан ахборот коммуникатциясига ўтиш воситаси сифатида муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Жаҳон ижтимоий тармоқларида интернет алоқасининг аҳамияти ва унинг таркибий хусусиятларини янги функционаллик нуқтаи назаридан ўрганиш замонавий тилшунослик фанининг ҳам объекти ва долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида айти даврда тил ҳақидаги фаннинг назарий ва амалий соҳаси чегараларини ойдинлаштириш, унинг ривожланиш тенденцияларини мукамал аниқлаш, ижтимоий тармоқларда қўлланиладиган новербал тил воситалари ва усуллари тизимини янада чуқурроқ кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Уларнинг аҳамияти реципиентларни замонавий тиллар субъектлари сифатида маълум бир трансформацион омилга айланишида яққолроқ намоён бўлмоқда. Бундай вазиятларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг лингвистик нуқтаи назардан етарли даражада ўрганмаётганлиги яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Соҳадаги мазкур ҳолат интернет-коммуникацияни этнолингвистика, когнетив лингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, интернет-лингвистика ва бошқа тилшунослик фанларнинг тадқиқот объектига айлантириш вазифаларини юзага чиқармоқда. Бундай муаммо ва вазифаларнинг ечимини топишга қаратилган масалалар мазкур диссертацион тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Таъкидланганидек, “Бугунги кунда ёшларимизнинг билим ва маълумот олишининг асосий манбаи Интернет экани ҳеч кимга сир эмас”¹. Шу боис мустақил Ўзбекистонда жамиятимизни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ўзбек тилшунослиги олдида қўйилган вазифаларни бажариш учун барча имконият ва шарт-шароит яратилган, тилимизни ҳар томонлама ўрганиш масаласида мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга ушбу соҳанинг тўлиқ бўлмаган, мавҳум позицияларини янгира қарашлар асосида, замонавий нуқтаи назардан тўлдириш зарурати туғилмоқда. Ўзбек тилшунослиги соҳасида бевосита интернет-коммуникация билан боғланган мазкур масалани тил муаммоларини батафсил ўрганишга йўналтирилган ривожланиш вектори сифатида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева о наиболее важных, приоритетных задачах развития страны на 2019 год. – «Народное слово», 29 декабря 2018 г. № 270–271 (7196–7199).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор доирасида амалга оширилди:

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коммуникация новербал воситаларининг лингвистик компоненти бир катор хорижлик (R.L.Birdwhistel, A.Mehrabian, Э.Сепир, В.Биркенбил, И.Йоко, А.Пиз, А.Бирах П.Экман, У.Фризен, Дж.Борг²), россиялик (А.А. Реформатский, М.Л.Кнапп, В.А.Лабунская, А.А.Акишина, Х.Кано, Т.Е.Акишина, Р.К.Потапова, Г.Г.Почепцов, И.А.Зимняя, С.В.Борисинев, Г.Е.Крейдлин, А.П.Моисеева И.А.Стернин, Д.П.Гавра, Н.В.Дутова³) ва ўзбекистонлик (Н.М.Саидханов, С.Сайдалиев, Ф.Габдулхақов, С.Х. Мухамедова, А.Пулатов, А.Рахимов,

² Birdwhistell R. L. Some body motion elements accompanying spoken American English // O. Thayer (ed.) Communication: concepts and perspectives. – Washington D. C.: Spartan, 1967. – Pp. 53–76; Mehrabian A. Some referents and measures of nonverbal behavior // Behavior research methods and instrumentation, 1968. – 1. – Pp. 203 – 207; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии / Пер. с англ. под ред. и с предисл. А.Е. Кибрика. – М.: Прогресс: Издательская группа «Прогресс», 1993. – 656 с.; Биркенбил В. Язык интонации, мимики, жестов/ пер. с англ. А. Желнина. – Санкт-Петербург: Питер Пресс, 1997. – 224 с.; Йоко И. Феномен молчания как компонент коммуникативного поведения. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003. – 24 с.; Пиз А. Язык телодвижений: как читать мысли других по их жестам. – М.: Эксмо, 2004. – 158 с.; Бирах А. Психология мимики. Как читать мысли по лицу. – М.: Маркетинг, 2004. – 152 с.; Экман П., Фризен У. Узнай лжеца по выражению лица. – СПб.: Питер, 2010 – 272 с.; Борг Дж. Язык тела. – Минск: Попурри, 2013. – 304 с.

³ Реформатский А. А. О перекодировании и трансформации коммуникативных систем // Исследования по структурной типологии. – М.: Изд-во Академии наук СССР, 1963. – С. 208–215; Кнапп М. Л Невербальные коммуникации. – М.: Наука, 1978. – 308 с.; Лабунская В. А. Невербальное поведение (социально-перцептивный подход). – Ростов-на-Дону: «Феникс», 1988. – 246 с.; Акишина А. А., Кано Х., Акишина Т. Е. Жесты и мимика в русской речи. Лингвострановедческий словарь. – М.: Русский язык, 1991. – 144 с.; Потапова Р. К. Коннотативная паралингвистика. – М.: Триада, 1997. – 67 с.; Почепцов Г. Г. Коммуникативные технологии двадцатого века. – М.– К.: Рефл-бук, Ваклер, 1999. – 200 с.; Зимняя И. А. Лингвопсихология речевой деятельности. – М.: Моск. психол. соц. ин-т; Воронеж: НПО «МОДЭК», 2001. – 432 с.; Борисинев С. В. Социология коммуникаций. Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2003. – 375 с.; Крейдлин Г. Е. Невербальная семиотика: язык тела и естественный язык. – М.: Новое литературное обозрение, 2004. – 581 с.; Моисеева А.П. *Основы теории коммуникации: учебное пособие.* – Томск: Изд-во ТПУ, 2004. – 128 с.; Стернин И. А. Избранные работы. Теоретические и прикладные проблемы языкознания. Избранные работы. – Воронеж: Истоки, 2008. – 596 с.; Гавра Д. П. Основы теории коммуникации: для бакалавров и специалистов: учеб. пособие для вузов по напр. «Журналистика». – Санкт-Петербург: Питер, 2011. – 284 с.; Дутова Н. В. Гендерные особенности функционирования невербальных компонентов в коммуникативном поведении языковой личности: межкультурный аспект: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2014. – 23 с.;

Ш.Хамроева, Н.З.Абдурахмонова, М.А.Абджалова, А.А.Эшмуминов, З.Т.Холманова⁴) тилшуносларининг тадқиқот объекти бўлган

Умуман олганда, бу тадқиқотларнинг объекти бевосита оғзаки нутқда қўлланиладиган ва ёзма нутқда тасвирланган имо-ишора ва белгилар бўлган. Ушбу ишлар коммуникация новербал воситаларининг эволюцион ривожланишини ўрганиш мақсадида таҳлил қилинди, бу эса коммуникация новербал компонентлар белгиларининг (бундан кейин СНКК⁵) пайдо бўлишига олиб келди. Таъкидлаш лозимки, оғзаки нутқнинг новербал белгиларини акс эттириш вазифасини бажарувчи СНККларнинг ўзлари ёзма нутқда сўнгги пайтларда пайдо бўлганлиги туфайли ҳали фундаментал илмий монографиялар шаклида тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг учун уларнинг тадқиқотларида асосан илмий журналлардаги мақолалар, интернет ресурслари ва СНКК дан фойдаланиш соҳасида ўтказилган тажрибалар натижаларидан фойдаланилган. Тадқиқотга бўлган эҳтиёж, СНКК дан фойдаланишнинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш мумкин бўлган бирон бир аниқ тизимнинг йўқлиги, шунингдек, бундай белгиларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида тобора ортиб бораётган интернет тармоғининг роли ва билим ва маълумотларнинг камлиги ўртасидаги зиддият билан боғлиқ коммуникация жараёнида улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шу сабабли ишимизда коммуникациянинг новербал компонент белгиларини ўрганиш коммуникация вербал воситаларининг коннотатив функцияси билан алмаштириш ва шу асосда уларни тизимлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, бу ҳозирги пайтда замонавий тилшуносликда етарлича чуқур таҳлил қилинмаган.

Диссертация тадқиқоти мавзусининг диссертация бажарилган олий ўқув ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотининг мавзуси ЎзМУ рус тилшунослиги кафедраси илмий-тадқиқот бўлими тематик режасининг “Тил ва матнда экстралингвистик воқеликни акс этиши” бўлимига мос келади.

⁴ Саидханов Н.М. Невербальные средства коммуникации и их лингвистическая манифестация в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук – Ташкент, 1993. – 27 с.; Сайдалиев С., Габдулхаков Ф. – Коммуникативные принципы в образовании. <http://rusmetodika.net/izuchenie-inostrannyh-jazykov/talimda-kommunikativ-tamoiilni-amalga-oshirish-masalalari.html>; Muhamedova S.X. Kompyuter lingvistikasi (metodik qo'llanma). – Toshkent, 2007. – 74 b.; Po'latov A., Muhamedova S. X. Kompyuter lingvistikasi (o'quv qo'llanma). – Toshkent, 2008 – 98 b.; Pўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 520 b.; Rahimov A. Kompyuter lingvistikasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr. 2011. – 160 b.; Xamroyeva Sh. O'zbek tili mualliflik korpusini tuzishning lingvistik asoslari: Filol.fan.bo'yicha falsafa dokt. (PhD) ... diss. – Qarshi, 2018. – 250 b.; Abduraxmonova N.Z. Inglizcha matnlarni o'zbek tiliga tarjima qilish dasturining lingvistik ta'minoti (Sodda gaplar misolida): Filol.fan.bo'yicha falsafa dokt. (PhD) ... diss. aftoref. – Toshkent, 2018. – 52 b.; Abjalova M.A. O'zbek tilidagi matnlarni tahrir va tahlil qiluvchi dasturning lingvistik modullari (Rasmiy va ilmiy uslubdagi matnlar tahriri dasturi uchun): Filol.fan.bo'yicha falsafa doktori (PhD) ... diss. – Farg'ona, 2019. – 164 b.; Abjalova M.A. O'zbek tili ontologiyasini yaratish tamoyillari: Filol. fan. dokt. (DSc) ... diss. avtoref. – Toshkent, 2022. – 82 b.; Eshmo'minov A.A. O'zbek tili milliy korpusining sinonim so'zlar bazasi: Filol.fan.bo'yicha falsafa dokt. (PhD) ... diss. – Qarshi, 2019. – 140 b.; Ahmedova D. Atov birliklarini o'zbek tili korpuslari uchun leksik-semantik teglashning lingvistik asos va modellari: Filol.fan.bo'yicha falsafa dokt. (PhD) ... diss. – Buxoro, 2020. – 156 b.; Xolmanova Z. T. Kompyuter lingvistikasi // Asian Book House – Toshkent, 2020 – 195 b.

⁵ Бизнинг фикримизча, бу тушунчани ёзма нутқда акс эттирилган барча новербал алоқа воситалари деб тушуниш керак.

Тадқиқот объекти ижтимоий тармоқларнинг рус тилидаги версияларида коммуникация қилишда фаол фойдаланилаётган, интернетда пайдо бўлган коммуникация новербал компонентлар белгилари ва уларнинг коммуникация вербал воситалари билан мувофиқлиги.

Тадқиқотнинг предмети бу коммуникация новербал компонентлар белгилари (СНКК) ва вербал воситаларининг белгилари комбинациясидан уларнинг ўзаро таъсири, электрон ёзма коммуникацияда бир-бирини алмаштириш ва тўлдириш жараёнида фойдаланиш хусусиятлари, шунингдек, замонавий ахборот майдонининг коммуникатив жараёнларида ортиб бораётган уларнинг қўшимча функцияларни эгаллашидир.

Тадқиқотнинг мақсади интернет ижтимоий тармоқларнинг рус тили версияларидаги вербал воситаларнинг бошқа миллий ахборот алмашинувининг вербал воситалар билан мазмунан боғлиқлигини, номутанносиб ўринларини ва бир-бирига функционал жиҳатдан ўзаро таъсирини коммуникациянинг новербал компонент белгилари орқали тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида пайдо бўлган жамият эҳтиёжларини ҳал қилиш проекциясида СНККнинг пайдо бўлиш жараёнларини таҳлилга тортиш;

“коммуникация” ва “коммуникация”, “вербал коммуникация” ва “новербал коммуникация” тушунчаларини таҳлил қилиш, уларнинг терминологик тўғрилигини аниқлаш;

коммуникациянинг вербал ва новербал воситаларини тарихий ретроспективада уларнинг пайдо бўлиши ва ишлатилиши нуқтаи назаридан ўрганиш;

интернетнинг ижтимоий тармоқларида ва ёзма коммуникациянинг бошқа соҳаларида СНКК пайдо бўлишининг асосий сабабларини ойдинлаштириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда рамзий новербал воситаларнинг коннотатив маъносини тўғри баҳолашнинг тизимлаштириш заруратини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: илмий тушунчаларни таҳлил қилишнинг мазмунли усули; тавсиф усули, лингвистик эксперимент усули, тарихий усул, статистик таҳлил усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

интернетнинг ижтимоий тармоқларида ва ёзма коммуникациянинг бошқа соҳаларида новербал лисоний алоқа рамзий белгиларидан фойдаланиш заруратининг ортиши, уларнинг ижтимоий-маърифий ҳаётдаги ўрни ҳамда аҳамияти замонавий электрон ахборот-коммуникация талаблари нуқтаи назаридан асосланган;

“коммуникация” ва “мулоқот”, “вербал коммуникация” ва “новербал коммуникация” тушунчаларининг терминологик аниқлигини акс эттиришдаги асосий тамойиллар, уларнинг илмий ҳамжамиятда қабул қилинган жиҳатлардаги ўзаро боғлиқлик мазмуний-таркибий занжири талқинларининг

илмий-назарий асослари очиб берилган;

коммуникация новербал ва вербал воситаларининг жадаллик ва аста-секинлик, босқичма босқич – эволюцион ривожланишини оғзаки ва ёзма мулоқотнинг диалектик бирликлар ҳамда тарихий ретроспектив (аввалги мавжуд ва ҳозирги яратилган) жараёнлар орқали асослаб берилган;

оғзаки бўлмаган коммуникациянинг новербал компонент белгиларининг пайдо бўлишидаги тарихий-этимологик ва мазмуний-мотивацион сабаблар, уларнинг тизимлаштириш, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг фойдаланиш учун коннотатив маъно сифатида ягона декодлашни ўрнатиш ва киритиш учун замонавий ахборот-коммуникация воситаларининг потенциаллари (салоҳияти) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

коммуникациянинг новербал компонентлар белгилари уларнинг мустақил семантик хусусиятлари нуқтаи назаридан ва ёзма коммуникацияда вербал коммуникация воситаларини (бундан кейин ВСК) алмаштириш позицияси орқали кўриб чиқилади;

коммуникациянинг новербал компонентлар белгиларини тизимлаштириш ва уларни интернет коммуникациясида ишлатишга илмий ёндашув тавсия этилади;

коннотатив маъносини тўғри баҳолаш учун коммуникациянинг новербал компонентлар белгиларининг изоҳли луғатларини тузишнинг аҳамияти кўрсатилган;

соддалаштириш ва уларни ёзма коммуникацияда қўллашнинг маълум меъёрларидан фойдаланиш ўртасида мувозанатни сақлаш зарурлиги аниқланди;

илмий адабиётларда “вербал коммуникация” ва “новербал коммуникация” атамаларининг айрим ўрнашиб қолган таърифлари қайта кўриб чиқилди, терминологик ноаниқликлар бартараф этилди;

ҳақиқий материалга асосланиб, ахборот узатишнинг, визуаллик, мусиқа, тасвир ва бошқаларнинг элементларини ўз ичига олган, кўп қатламли семиотик тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлган коммуникация соҳасида янги тил шаклланганлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги интернетнинг рус тилидаги ижтимоий тармоқларида ишлатиладиган коммуникация вербал воситалари билан ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ва алмашилиш нуқтаи назаридан коммуникациянинг новербал компонент белгиларидан фойдаланишни ўрганишга бағишланган илмий адабиётларни тизимли таҳлил қилиш орқали таъминланади; амалий тадқиқот усуллари, таҳлил қилинган материаллар ва манбаларнинг етарлилиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика ва хорижий журналларда мақолалар нашр этилиши, халқаро ва республика конференциялари, илмий хулосалар ва тавсияларни амалиётга жорий этиш, олинган натижаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интернет ижтимоий тармоқларда

коммуникациянинг новербал компонентлар белгиларидан фойдаланишнинг назарий масалаларини очиб бериш, ушбу ҳодисанинг пайдо бўлишида лингвистик жараённинг таърифи; ёзма коммуникацияда янги новербал воситаларининг пайдо бўлишининг сабаблари ва уларнинг ривожланишининг кейинги векторини аниқлаш билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация хулосалари ва материалларидан тилшунослик назарияси, компьютер тилшунослиги бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ёзишда, олий ўқув юртларида умумий тилшунослик ва рус тилшунослигини ўқитишда, компьютер тилшунослиги бўйича луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. интернетнинг ижтимоий тармоқлари рус тилидаги версияларида ишлатиладиган коммуникация новербал компонентлар белгиларини вербал воситалари билан ўзаро муносабат, таъсири ва алмашилиши нуқтаи назаридан қўлланилиши илмий тадқиқот натижалари билан боғлиқ:

интернетнинг ижтимоий тармоқларида ва ёзма коммуникациянинг бошқа соҳаларида новербал лисоний алоқа рамзий белгиларидан фойдаланиш заруратининг ортиши, уларнинг ижтимоий-маърифий ҳаётдаги ўрни ҳамда аҳамияти замонавий электрон ахборот-коммуникация талаблари асосидаги хулоса ва олинган илмий натижалар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган А-1-209 “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” номли амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 14 июндаги 01/382-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ижтимоий тармоқларда қўлланиладиган новербал коммуникация замонавий халқаро терминлар бўйича ўқув-услубий мажмуа яратишда хизмат қилган;

“коммуникация” ва “мулоқот”, “вербал коммуникация” ва “новербал коммуникация” тушунчаларининг терминологик аниқлигини акс эттиришдаги асосий тамойиллар, уларнинг илмий ҳамжамиятда қабул қилинган жиҳатлардаги ўзаро боғлиқлик таркибий занжири талқинларининг илмий-назарий асослари очиб берилган ўринлар ҳамда хулосалар 2017-2018-йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида бажарилган бажарилган ОТ-А1-018 “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминиарининг кўп тилли луғатларини яратиш” амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 14 июндаги 04/1-2054-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари новербал коммуникация воситаларини ўрганиш ва таҳлил қилишда уларнинг терминологик аниқлиги проекциясида янги манба ва муҳим кўмакчи бўлиб хизмат қилган;

оғзаки бўлмаган коммуникациянинг новербал компонент белгиларининг пайдо бўлишидаги тарихий-этимологик ва мазмуний-мотивацион сабаблар, уларнинг тизимлаштириш, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг

фойдаланиш учун коннотатив маъно сифатида ягона декодлашни ўрнатиш ва киритиш учун замонавий ахборот-коммуникация воситаларининг потентсиаллари бўйича илмий хулосалар Ўзбекистон рус маданияти маркази томонидан Нукус шаҳри, Тошкент вилоятининг Янгийўл ва Чиноз туманларида ташкил этилган “Таълимни рақамлаштириш шароитида ўқув фаолияти” тадбирлари доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Рус маданияти марказининг 2021 йил 23 августдаги 02-87-сон маълумотномаси). Бу тингловчиларга ижтимоий тармоқларда новербал коммуникация фойдаланиш қоидалари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш ва мактабда коммуникация асосларини ўргатиш зарур деган хулосага келиш имконини берган;

коммуникация новербал ва вербал воситаларининг жадаллик ва аста-секинлик, босқичма босқич – эволюцион ривожланишини оғзаки ва ёзма мулоқотнинг диалектик бирликлар ҳамда тарихий ретроспектив жараёнлар ҳақидаги илмий материаллар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан 2021 йил 7 апрелдан 30- апрелгача эфирга узатилган “Таълим ва тараққиёт” ва “Миллат ва маънавият” кўрсатувларида фойдаланилган (“Ozbekiston milly teleradiokompaniyasi” давлат унитар корхонасининг 2021 йил 03 май 45-21-сон маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг илмий оммабоплиги таъминланган.

Ишнинг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган илмий маърузалар шаклида синовдан ўтказилди.

Диссертация натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та мақола чоп этилган, жумладан, диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 3 та, 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат бўлиб, асосий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва кераклилиги асосланади, мақсад ва вазифаларни, тадқиқот объекти ва предмети, унинг илмий ва амалий аҳамияти белгиланади. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилади, янгиллиги ва амалий натижалари келтирилади. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилди. Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, апробация қилиниши, диссертация мавзуси бўйича чоп этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коммуникация ва унинг таркибий қисмлари”** деб номланган биринчи бобида коммуникациянинг таркибий қисмлари унинг асосий тамойилларини ўрганиш, илмий ҳамжамиятда қабул қилинган

жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги таркибий занжирини талқин қилиш ҳамда бу жараённинг вербал ва невербал воситалар тушунчаси билан боғлиқ индивидуал таърифларнинг терминологик ёзишмаларини таҳлил қилиш асосида ўрганилади.

Ижтимоий тармоқларнинг замонавий ёзма коммуникацияси анъанавий вербал коммуникация канали билан бир қаторда ёзма нутқда илгари ишлатилмаган мутлақо янги белгиларни ҳам ўз ичига олади. Улар оғзаки нутқда инсон томонидан ишлатиладиган невербал коммуникация воситаларининг (бундан кейин НСК деб аталади) акси бўлди. Талқиндаги фарқларнинг олдини олиш учун ушбу икки тушунча бизнинг ишимизда фарқланади ва НСК ни акс эттирувчи янги пайдо бўлган белгилар, СНКК – коммуникациянинг невербал компонент белгилари ишчи номини олди. Ушбу воситалар аввал фақат оғзаки коммуникацияда мавжуд бўлган ёзма маълумотларни узатишнинг невербал воситаларининг ифодасини ўз ичига олган коммуникациянинг невербал таркибий қисмларининг белгиларини ўз ичига олган.

СНККнинг умумий номи ижтимоий тармоқларда невербал коммуникация воситаларини акс эттирувчи смайллар, эможилар, гифлар, демотиваторлар, мемлар, стикерлар ва бошқалар каби белгиларни бирлаштиради.

Невербал коммуникация воситаларидаги ўзгаришларни ўрганиш учун, авваламбор, коммуникация тушунчасини аниқлаш керак, бунинг асосида у ёки бу воситалар невербал ёки вербал компонентга тегишли деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Мулоқот тушунчасини назарий асослаш билан боғлиқ муаммолар М.А.Василик, Л.Г.Викулова, А.И.Шарунов, Д.П.Гавра, Е.Я.Кедрова, Т.В.Липатова, Н.Луман, А.П.Моисеева, Г.Г.Почепцов, И.А.Стернин, А.А.Реформатский, А.В.Соколов, Ф.И.Шарков, И.П.Яковлев⁶ каби тилшуносларнинг тадқиқот объекти бўлган.

⁶ Василик М. А. Наука о коммуникации или теория коммуникации? К проблеме теоретической идентификации // Актуальные проблемы теории коммуникации. Сб. науч. трудов. – СПб.: Изд-во СПбГПУ, 2004. – С. 4–11; Викулова Л. Г., Шарунов А. И. Основы теории коммуникации: практикум. – М.: АСТ: АСТ МОСКВА: Восток – Запад, 2008. – 316 с.; Гавра Д. П. Основы теории коммуникации: для бакалавров и специалистов: учеб. пособие для студентов вузов по напр. «Журналистика». – Санкт-Петербург: Питер, 2011. – 288 с.; Кедрова Е. Я. Описание жестов персонажей в структуре текста // Язык прозы А. П. Чехова. Ростов-на-Дону: Издательство Ростовского государственного университета, 1981. – С. 28–32; Липатова Т.В. Вербальные и невербальные средства коммуникации и их место в системе языка (системно-типологический подход) // Вестн. РУДН. Сер.: Философия, 2015. – № 4. – С. 115–123; Луман Н. Что такое коммуникация? / Перевод с нем. Д. В. Озирченко // Социологический журнал, 1995. – № 3. – С. 114–125; Моисеева А. П. Основы теории коммуникации: Учебное пособие. – Томск, 2004. – 128 с.; Почепцов Г. Г. Теория коммуникации. – М.: Рефл-бук; Киев: Ваклер, 2001. – 656 с.; Стернин И. А. Русские: коммуникативное поведение. – М., Флинта: Наука, 2006. – 328 с.; Стернин И.А. О национальном коммуникативном сознании // Лингвистический вестник – Ижевск, 2002. – Вып. 4. – С.87–94; Реформатский А. А. О перекодировании и трансформации коммуникативных систем // Исследования по структуре типологии. М.: Изд-во АН СССР, 1963. – С. 208–215; Соколов А.В. Общая теория социальной коммуникации. – СПб.: Изд-во Михайлова В. А., 2002. – 461 с.; Соколов А.В. Общая теория социальной коммуникации: учеб. пособие. – СПб.: Михайлов, 2002. – 460 с.; Шарков, Ф. И. Теория коммуникации (базовый курс): учебник для вузов. 2-е изд. – М.: РИП-холдинг, 2006. – 240 с.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу билим соҳасидаги кўплаб тадқиқот ишларига қарамай, коммуникация соҳасининг ўзи ҳали махсус фан сифатида шаклланмаган. Шу муносабат билан И.Р.Яковлев шундай ёзади: “коммуникация жараёнлари ҳақидаги билимларни махсус фан шаклида сингдирмаслик парадоксал кўринади. Назариянинг объекти, предмети, соҳаси мавжуд, аммо фан йўк”⁷

Мулоқот тавсифи жиҳатларидаги фарқлар бизнинг тадқиқотларимиз учун маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради, бу эса коммуникация белгиларининг аниқ терминологик парадигмасини талаб қилади. Бундай ҳолат ўрганилаётган мавзуга тегишли асосий атамаларни қўшимча ўрганишни ва аниқ изоҳлашни талаб қилди. Шу муносабат билан, илмий жамоатчиликда тез-тез ишлатиладиган вербал ва невербал коммуникация атамалари тадқиқотда катта қизиқиш уйғотади.

Ушбу ибораларни коммуникация тушунчасига нисбатан ишлатишнинг асослилиги бизда баъзи шубҳаларни келтириб чиқаради, шунинг учун ушбу лингвистик ҳодисаларнинг аҳамиятини ўрганиш учун биз уларни текширишга муурожаат қиламиз.

А. Mehrabian, А. Пиз, R.L. Birdwhistell каби олимларнинг тадқиқотларига кўра, ахборот узатишда невербал воситаларнинг улуши 93% гача ва фақат қолган 7% сўз улушида қолади⁸. Бу ерда биз оғзаки нутқ ҳақида гапирамиз, аммо шунга ўхшаш ҳолат, агар сиз маълумотларнинг невербал таркибий қисмини акс эттирувчи барча белгиларни–нўқта, вергул, оралик, ундов белгилари, савол белгиларини ва тақлид сўзларни олиб ташласангиз, ёзма нутқда маълум даражада ривожланади. Бошқа томондан, мазмунсиз бизга узатиладиган маълумотларни фақат невербал белгилар ёрдамида тўғри идрок эта олмаймиз. Шундай қилиб, биз вербал ва невербал маълумотлар алоҳида коммуникация жараёнини ярата олмайди деган хулосага келдик. Шунга кўра, вербал коммуникация ва невербал коммуникация каби тушунчалар, бизнингча, фанда қабул қилинган терминологик аниқлик талабларига тўла жавоб бермайди. Вербаллик ва невербаллик тушунчалари биз коммуникация сифатида белгилаган жараёнда бир-биридан ажралмасдир ва бизнинг ҳолатимизда уларни ахборотнинг вербал ва невербал белгиларининг ўзаро таъсири нуктаи назаридан кўриб чиқамиз.

